

АЛ-МУЪИЗЗИЙНИНГ “ТАСРИФ АЛ-АФЪАЛ” АСАРИ ВА УНДАГИ ФЕЪЛ БОБЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАШ УСЛУБИ

CLASSIFICATION OF VERB FORMS IN THE WORK OF AL-MU'IZZI TASRIF AL-AF'AL

КЛАССИФИКАЦИЯ ПОРОД ГЛАГОЛА В ТРУДЕ АЛЬ-МУИЗЗИ «ТАСРИФ АЛЬ-АФЪАЛ»

Akbar KAZAKBAYEV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN
Head of the al-AZHAR department of Arabic language
and literature
Kazakbayev2011@yandex.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IAU/2022/1/12

Аннотация. Мазкур мақолада Ал-Муъиззийнинг араб тилида феълларда содир бўладиган ўзришларга бағишланган “Тасриф ал-Афъал” асари ҳақида маълумотлар берилиб, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институти қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг 7 та қўлёзма нусхаси сақланиб келинаётгани ва асарнинг тузилиши, грамматик услубларга асосланган ҳолда таснифлангани тадқиқ қилинган. Ал-Муъиззийнинг асари тўртта катта бобга ажратилган бўлиб улар ўз навбатида фаслларга, яъни кичикроқ гуруҳларга бўлинган. Биринчи фаслда феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замонларда ва буйруқ майлида тусланиш тартиби келтирилган. Иккинчи фасл тўғри феъллар, учинчи фасл икиланган феъллар, тўртинчи фасл бўш феъллар, бешинчи фасл ноқис феъллар, олтинчи фасл лафиф феъллар, еттинчи фасл мултави феъллар ва саккизинчи фасл эса “нун ат-таъкид” мавзуларининг таҳлилига бағишланган. Асарда феълларнинг турли бобларидаги шакллари, уларнинг ўтган ва ҳозирги келаси замон шакли, уч ундош ўзакли феълларнинг ва тўрт ундош ўзакли мазид феълларнинг боблари ҳақида ҳам фикр юритилади. Шу билан бирга, товуш илми (фонология) сарф илми билан боғлиқлиги, махражи ҳалқумдан чиқадиган олтига ҳарфнинг биронтаси феълнинг иккинчи ёки учинчи ўзак ундоши ўрнида келиши, ўрта ўзак ундошининг ҳаракати касра эмас фатҳа бўлишини талаб қилиниши мисоллар асосида исботланиб берилган. Шу ўринда, مجرد атамаси - феълларнинг биринчи боби, مزيد فيه атамаси эса - феълларнинг ҳосила, яъни биринчи бобдан ташқари, ёрдамчи, қўшимча ҳарфлар қўшилиши билан ҳосил қилинган феъл бобларига нисбатан қўлланилиши назарда тутилиши ўрганилган. Муъиззий келтирган 3 ундош ўзакли мужаррад феълларнинг (فعل ثلاثي مجرد) олтига

боби бирма-бир санаб ўтилган. Ушбу мақолада, Б. М. Гранденинг феъл боблари борасида келтирган қоидалари Ал-Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” асаридаги қоидалар билан солиштирилиб, 4 ундош ўзакли мазид феълларнинг IV боби «лом» ўзак ҳарфи билан ифодаланганлиги, бу борада аш-Шумуний ва ибн ал-Китаъ асослаб берган «إفعال» қолипидаги «ҳамзали алиф» билан ифодаланиши сабаблари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Муъиззий келтирган феъл бобларининг қолипларини берилиши тартиби, улар бугунги кунда қабул қилинган феъл бобларининг таснифланиш тартибидан фарқлангани ушбу мақолада илмий асосланиб берилган.

Калит сўзлар: сарф илми, нахв илми, феъл, таснифлаш услуби, феъл боблари, тўрт ўзакли мазид феъллар, ҳалқум ҳарфлар, 3 ўзакли мужаррад феъллар

Аннотация. В данной статье представлена информация о работе Ал-Му'иззи «Тасриф аль-Аф'ал», посвященной породам глаголов в арабском языке. В Фонде рукописей Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Узбекистана хранится 7 рукописей этой работы. Работа Ал-Му'иззи разделена на четыре основных раздела, которые, в свою очередь, делятся на главы, то есть более меньшие по объему группы. В первой главе дается описание изменений, имеющих место при спряжении глаголов в прошедшем, настоящем и будущем времени и в повелительном наклонении. Вторая глава посвящена анализу правильных глаголов, третья глава – удвоенным глаголам, четвертая глава – пустым глаголам, пятая глава – недостаточным глаголам, шестая глава – глаголам лафиф, седьмая глава – глаголам мултави, восьмая глава – изучению темы «нун ат-та'кид». В статье также рассматриваются формы глаголов разных пород, их формы прошедшего и настоящего-будущего времени, породы глаголов с правильным трехслоговым корнем и четырехслоговыми глаголами «мазид». Кроме того было показано, что фонология связана с наукой сарф, и тот факт, что если один из шести гортанных звуков является второй или третьей согласной основы глагола, то ее огласовкой становится фатха, а не касра. Кроме того описаны первая порода глаголов مجرد, производные породы глаголов مزيد فيه, то есть объясняются правила образования форм производных пород, перечислены шесть пород глаголов «мужаррад» (فعل ثلاثي مجرد) приведенных в работе Ал-Му'иззи. В статье на основе сравнительно-сопоставительного анализа исследуются классификации глагольных пород Б.М.Гранде и Ал-Му'иззи в «Тасриф аль-Аф'ал», а также причины представления IV породы глаголов «мазид» моделью «إفعال», которая в своё время привлекла внимание грамматистов Аш-Шумуни и Ибн ал-Китаъ. Также научно обоснованы различия между классификацией глагольных пород Ал-Му'иззи и классификацией пород арабских глаголов, принятой в настоящее время.

Ключевые слова: сарф, нахв, глагол, метод классификации, породы глагола, четырехбуквенные глаголы «мазид», гортанные звуки, трехбуквенные глаголы «мужаррад».

Abstract. This article provides information about the work of Al-Mu'izzi Tasrif al-Af'al, dedicated to the forms of verbs in Arabic. The Fund of Manuscripts of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raykhan Beruni of the Academy of Sciences of Uzbekistan has 7 seven manuscripts of Mu'izzi's work. Al-Mu'izzi's work consists of four main sections, which, in turn, are divided into chapters, that is, smaller groups. The first chapter describes the changes in conjugating verbs in the past, present, and future tenses and the imperative mood. The second chapter is devoted to the analysis of regular verbs, the third chapter to doubled verbs, the fourth chapter to empty verbs, the fifth chapter to insufficient verbs, the sixth chapter to lafif verbs, the seventh chapter to multitavi verbs, the eighth chapter to the study of the topic nun at-taqid. The article also discusses the forms of verbs of different types, their forms of the past and present future tenses, the types of verbs with the correct three-consonant root, and the four-consonant verbs mazid. The phonology is related to the science of sarf, and we explained that if one of the six guttural sounds is the second or third consonant of the stem of the verb, then its vowel becomes fatha, not kasra. In addition, we describe the first kind of verbs مجرد, derivatives of the verbs مزيد فيه, the rules for the formation of forms of derivatives. We listed six types of verbs muzharrad (فعل ثلاثي مجرد) in the work of Al-Mu'izzi. Based on a comparative analysis, the article examines the classifications of verb types by B.M. Grande and Al-Mu'izzi in Tasrif al-Af'al, as well as the reasons for presenting the IV type of verbs Mazid by the model افعل, which at one time attracted the attention of grammarians Ash-Shumuni and Ibn al-Kita'. The differences between the classification of Al-Mu'izzi verb forms and the currently accepted classification of Arabic verb forms are also scientifically substantiated.

Keywords: sarf, nahv, verb, classification, verb forms in Arabic, mazid verbs, halqum letters, three-consonant root, derivatives of the verbs.

КИРИШ

Маълумки, сарф илми араб тилига оид илмларнинг энг муҳими ва мураккаби ҳисобланади. Араб тилига оид илмлардан бирортаси бўйича изланиш олиб бораётган бирор тадқиқотчи йўқки, бу илмга катта эҳтиёж ҳис қилмаган бўлса. Бу борада Ибн Жинний шундай деган: “Бундай илмга, тасрифни назарда тутаяпман, барча араб тили ўрганувчилари катта эҳтиёж ҳис қилади, чунки у араб тилининг мезонидир, у орқали араблар гапининг қўшимчалардан холи бўлган асли билинади, сўзларнинг ясалишини бу илмсиз билиб бўлмайди. Араб тилининг катта қисми қиёс орқали ясалади, бунга сарф, тасрифдан бошқа йўл билан келиб бўлмайди; масалан арабларнинг: فَعَلَ феълнинг ҳозириги-келаси замон шакли фақатгина يَفْعَل бўлиб келади”.

Муҳаммад ибн Аби ал-Қосим ал-Муъиззий Ўрта Осиёлик машҳур олимлардан бири бўлган.

Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар бизнинг давргача деярли етиб келмаган. Фақатгина Хожа Халифанинг “Кашф аз-Зуннун” асарида унинг исми ва асарининг номи ҳақида қисқа ёритилиб ўтилган. Муҳаммад ал-Муъиззийнинг ҳаётига оид маълумотлар кам бўлса-да, унинг бизгача етиб келган машҳур «كتاب التصريف المعزي» асари халқ орасида “المعزي” “تصريف” номлари билан танилган. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ушбу асарнинг 7 та қўлёзма нусхаси сақланиб келмоқда. (10455; 12018; 10461; 12214, 12147; 11743; 10326). Эрон кутубхоналари фондларида рисоланинг кўплаб нусхалари мавжуд бўлиб, аксарияти “تصريف الأفعال” номи билан ёки ном йўқ асар сифатида билан кўрсатилган. Бундан ташқари, мазкур рисоланинг икки нусхаси “المعزي” номи билан Шамсиддин Муҳаммад ибн Абу ал-Қосим Муъиззига нисбат қилиб келтирилган. Мазкур рисола айнан шу сўз боши ва тахминан шу хусусиятлар билан Хожи Халифанинг Кашфул Зунунида шу муаллиф қаламига мансуб эканлиги кўрсатилган. Ўрганишлардан сўнг маълум бўлишича, Эрон миллий кутубхонасига рисоланинг “تصريف الأفعال” номи билан 19 та нусхаси мамлакатда мавжуд бўлиб, шунингдек у ерда 10 та хорижий нусхаси ҳам бор. Бу китобни Муҳаммад Мир Муқаллад “Шарху-л абвоби рисолатил тавфиқ” номи билан форсий шарҳини бериб, бир нусхаси Физей фондига ва бир нусхаси ташқи ишлар вазирлиги кутубхонасида сақланади. “Кашфул Зунун”да келтирилган таъриф мазкур рисола Муъиззийга тегишли эканлигини англатади. Матнда муаллифга ишора бўлмаганлиги учун кўпроқ китобнинг бошида келтирилган ибора ном сифатида ишлатилган. Унга “Тасриф ал-афъал” деб ном берилган ва бу бир неча бор такрорланган.

УСЛУБЛАР

Мақолада қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, систем-структур, тавсифлаш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаммад ал-Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” номи рисоласи, сарф илми деб номланган катта бир илмнинг таркибига кирувчи ва катта қисмини эгалловчи бўлим, араб тилидаги феълларда содир бўладиган ўзгаришларга бағишланган. Муъиззий асарни таснифлаш усулида ёзган бўлиб, уни тўртта катта бобга бўлади. Бобларни эса фаслларга, яъни гуруҳларга бўлади. Улар қуйидагича:

I БОБ - “تفصيل الأبنية” (феълларнинг тузилиш, ясаиш тафсилотлари) деб номланган бўлиб, ўз ичига 4 та фаслини олади. Биринчи фаслда феъллар ўзак таркибига кўра турларга ажратиб чиқилган. ал-Муъиззий феълларни الصحيح (тўғри, соғлом), الأجوف (иккиланган), المثال (тўғрига ўхшаш), المضاعف (бўш), المتلوي (етишмовчи), اللفيف лафиф, المولتوي мултавий турларига ажратади ва ҳар бирига алоҳида таъриф беради.

Иккинчи фаслда феъл боблари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Бошқа боб ёки фасллардан фарқли ўлароқ иккинчи фасл ўз ичига 4 та «مرتبة» яъни босқични олган. Биринчи мартаба المجردة الثلاثية бўлиб, ўз ичига олти феъл бобини олади. Иккинчи мартаба المجردة الثلاثية المزيّدة ўз ичига ўн икки бобни олган. Юқоридаги икки мартабада уч ундошли феълларнинг 18 та боби келтирилган. Учинчи мартаба المجردة الرباعية бир бобдан иборат. Тўртинчи мартаба المجردة الرباعية эса уч бобни ўз ичига олган.

Учинчи фаслда феълларнинг мажхул нисбатининг ясаиш йўллари ва ҳар бир бобнинг мажхул нисбатдаги шакли ва шу мавзуга тегишли мисоллар берилган.

Тўртинчи фаслда феълларнинг буйруқ шаклининг ясаиши усуллари, феъл турлари ва феъл боблари бўйича мисоллар келтирилган.

II БОБ - “التغيرات” (“Феълларнинг ўзгаришларидаги кўринишлари”) деб номланиб, 5 та фаслдан иборатдир.

Биринчи фаслда араб тилидаги феълларда бўладиган ўзгаришларнинг турлари идғом, қалб, таскин ва ҳазфдан иборат эканлиги келтирилиб, уларнинг ҳар бирига мисол келтирилган.

Кейинги фаслларда эса, яъни иккинчи фаслда идғом, учинчи фаслда қалб, тўртинчи фаслда таскин ва бешинчи фаслда ҳазф тушунчаларига ҳар бирига алоҳида тўхталиб, улар қандай ўзгаришларга олиб келиши, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, содир бўлиш ўринлари тўлиқ ёритилиб берилган ва мисоллар келтирилган.

III БОБ - “خواص اللواحق للأفعال” (“Феъл суффиксларнинг хусусиятлари”) деб номланган мазкур бор ўз ичига 4 та фаслни олади.

Муаллиф биринчи фаслда феълларга қўшиладиган суффикс (қўшимча)ларнинг сони ва турларини келтиради.

Иккинчи фаслда тўғри ва иккиланган феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва уларда содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида сўз боради.

Учинчи фаслда бўш феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва феълларда бўладиган ўзгаришлар келтирилган.

Тўртинчи фаслда ноқис феълларга қўшиладиган қўшимчалар ва мисоллар берилган.

IV БОБ - “إلحاق اللواحق” (“Шахс-сон қўшимчаларининг боғланиш тафсилотлари”) деб номланган бўлиб, 8 та фаслдан иборат.

Биринчи фаслда муаллиф ушбу бобнинг номланиши, шахс-сон қўшимчаларининг ўтган замонда, ҳозирги-келаси замонда, мажхул ва аниқ нисбатларда, буйруқ майли шаклларидаги феълларга қўшилиши, феълларнинг тусланиш тартиби ҳақида маълумот беради.

Мазкур бобнинг кейинги фаслларида феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замонларда ва буйруқ майлида тусланиши қуйидаги тартибда келтирилган: иккинчи фаслда тўғри феъллар, учинчи фаслда иккиланган феъллар, тўртинчи фаслда бўш феъллар, бешинчи фаслда ноқис феъллар, олтинчи фаслда лафиф феъллар, еттинчи фаслда мултави феъллар. Саккизинчи фаслда эса “нун ат-таъкид” ҳақида маълумот берилади.

Ал-Муъиззий феълларнинг 22 та қолипни келтиради ва уларни 4 та босқичга (مرتبة) ажратади. Муаллиф I-босқичда مجرد уч ундош ўзакли феълларни киритиб, унда 6 та бобни санаб ўтади. «مجرد» сўзига тўхталадиган бўлсак, маълумки, араб нахвчилари - араб грамматикаси системасининг асосчилари илгари феъл боблари турларини ифодаловчи махсус атамаларга эга бўлмаганлар. Б.М.Гранде бу хусусда шундай дейди: “... араб нахвчилари оддий, ҳеч нарса қўшилмаган ўзақлар учун مجرد - «илк кўриниши», қўшимча қўшилган ўзақларни эса مزيد فيه - «зиёда қилинган, орттирилган», деган атамаларни ишлатганлар». (Гранде, 1963)

Бу таърифни оддий қилиб айтадиган бўлсак, مجرد - феълларнинг биринчи боби, مزيد فيه эса - феълларнинг ҳосила, яъни биринчи бобдан ташқари, ёрдамчи, қўшимча ҳарфлар қўшилиши билан ҳосил қилинган феъл бобларига нисбатан қўлланилади.

Мазкур 3 ундош ўзакли мужаррад феълларнинг (فعل ثلاثي مجرد) Муъиззий келтирган олти бобини кўриб чиқамиз. Улар қуйидагилардир:

1. فَعَّلَ - يَفْعُلُ қолипи асосида шаклланган феъллар. Олим бу боб бўйича юқорида санаб ўтилган барча феъллар турига мисол келтириб ўтган.

Масалан:

- ضَرَبَ - يَضْرِبُ (صحیح) феълларда - урмоқ;
- فَرَّ - يَفِرُّ (مضاعف) феълларда (асли يَفِرُّ) кочмоқ, югурмоқ;
- وَثَبَ - يَثِبُ (مثال) феълларда (асли يَثِبُ) - пулга ўйнамоқ; - يَنْبِرُ - يَنْبِرُ (مثال) - сакрамоқ;
- بَاعَ - يَبِيعُ (أجوف) феълларда (аслида يَبِيعُ) - сотмоқ;
- رَمَى - يَرْمِي (ناقص) феълларда - (аслида يَرْمِي) - отмоқ;
- رَوَى - يَرْوِي (أجوف) феълларда (аслида يَرْوِي) - ривоят қилмоқ;

وَحَى - мисол ва ноқис الملتوي феълларда يَجِي (аслида يَوْجِي) - сирини айтмоқ.

2. فَعَلَ - қилипи асосида ясалган яъни ўрта ўзак ҳарфлари ҳозирги-келаси замонда “дамма” бўлган I боб феъллар гуруҳидир. Уларга мисол сифатида куйидаги феъллар келтирилган: يَنْصُرُ - “ёрдам бермоқ”; يَزِدُّ - “аслида رَدَّ - يَزِدُّ”; “кайтarmoқ”; “севмоқ”. Ал-Муъиззий бу феълларни “мисол” ва “мудоъаф” деб атайдди. Б.М.Гранде эса бундай феълларни “икки маротаба нотўғри” феъллар гуруҳининг “тўғрига ўхшаш ва иккиланган”, яъни 1-ўзак ундоши иллатли ҳарф ва 2 ва 3-ўзак ҳарфлари бир хил бўлган феъллар гуруҳига киритган. (Гранде, 1963)

Асарда келтирилган «وَدَّ» феълнинг ҳозирги-келаси замондаги ўзакнинг ўрта ундоши ҳаракатига тўхталадиган бўлсак, ан-Наъим луғатида «ود» феъли “фатҳа» ва «касра» ҳаракатини олишини айтиб ўтилган (Носиров, Юсупов, Муҳиддинов, Раҳматуллаев, & Нишонов, 2003). Шунингдек бу қолипга يَدُوْمُ «давом этмоқ», (аслида эса يَدُوْمُ); يَدْعُو «чакирмоқ», (аслида يَدْعُو бўлган), каби феъллар мисол қилиб келтирилган.

3. فَعَلَ - қилипи бўлиб, унга муаллиф куйидаги мисолларни келтиради: مَنَعَ - «ман этмоқ», يَضَعُ - «қўймоқ» (аслида يَزَعِي - يَضَعُ); «чўпонлик қилмоқ» (аслида يَزَعِي).

Муҳаммад Муъиззий мисолларни шарҳлаш мақсадида шундай ёзади:

اعلم أن فتحة العين في المضارع من مثال هذا الباب منقولة عن الكسرة لحروف الحلق وإنما نقلوها لأن الأفعال الواردة عليه تراها قد وقع أحد حروف الحلق وهي الهمزة والهاء والعين والحاء والغين والخاء في مقابلة العين أو اللام فلو استعملوها بفعل بكسر العين نحو: يسرب وينصح لزم مجاورة الكسرة لحروف الحلق لوقعها بعده أو قبله وهم يعافونها لما فيها من الكلفة فاخترنا الفتحه للكفة (ал-Муъиззий, 1907).

«Шуни билгинки бу боб мисолларини ҳозирги-келаси замон қолипидаги “айн”нинг фатҳаси ҳуруф ул-ҳалқ (ҳалқум ҳарфлар) касрасига боғлиқдир, уни нақл қилганларида, феълларга қарайсан ва ҳалқум ҳарфларнинг бирортаси бўлса (улар: ه، ح، خ، ع، غ) ва «лом» ва «айн»нинг, яъни 2 ва 3 ўзак ундошининг ўрнида келса, «يَفْعَلُ» нинг ‘айни касраланади. Масалан: يَنْصَحُ - يَنْصَحُ. Касранинг ҳалқум ҳарфларининг бирортасидан олдин ёки кейин тушиб қолиши учун уларга яқин бўлиши керак ва наҳвчилари қийналганларидан касрани беришни хоҳламаганлар, осон ва текис бўлиши учун фатҳани танлаганлар». Мана шу ўринда товуш илми (фонология) сарф илми билан боғлиқлиги яққол намоён бўлади. Маҳражи ҳалқумдан чиқадиган олти ҳарфларнинг биронтаси феълнинг иккинчи ёки учинчи ўзак ундоши ўрнида келиши ўрта ундошнинг ҳаракати касра эмас фатҳа бўлишини талаб қилади. Муъиззийнинг «يعافونها للكفة» ибораси ҳалқум

ҳарфлари касра билан келишидан узоқлашадилар деган маънони англатади. Чунки ҳалқум ҳарфлари талаффузга оғир ҳисобланади, ва уларнинг касра унлиси билан келиши фонологик жиҳатидан қийин ҳисобланади. Шунинг учун бундай феълларнинг ўзак ўрта ундошининг ҳаракати фатҳа бўлиб. Муъиззийнинг бу масалага «فَعَلَ يَفْعَلُ» бобида тўхталиб ўтиши унинг Басра наҳв мактаби қарашларига эргашувчи эканлигини таъкидлайди. Чунки Куфа ва Басра наҳв мактаблари бу масала юзасидан ихтилофга боришган. Замонавий тилшунос олимлар Куфа мактаби қарашлари тўғри эканлигини исботладилар. Доктор Фавзи Аш-Шайб Куфаликлар қарашларини товуш қонуниятлари қўллаб қувватлашларини таъкидлаб: “Бу масала бўйича тўғри фикр Куфаликларнинг қарашларидир” дейди. Замонавий тажрибалар ҳалқум ҳарфларининг талаффуз қилинишида ва фатҳа билан мустаҳкам боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайди, чунки ҳалқум товушлари аксарият ҳолларда тилнинг ўзига хос ҳолатда бўлиши билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолатга фатҳа мос келади. Классик олимларнинг эътиборини тортган бу ҳодисани замонавий фонологик қонунлар тасдиқлаб беради.

Масалан, ҳалқум ҳарфлар тўғрисида, Антуан ад-Даҳдах шундай дейди:

وزن فعل - يفعل عينه أو لامه حرف حلق (ه، ح، خ، ع، غ، ه):
(Ad-Dahdah, 1992) قرأ، يقرأ، منح، يمنح

Яъни, мазкур вазндагии 2 ёки 3 ўзак ҳарфлар ҳалқум ҳарфларидир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан, сўздаги ҳарфларнинг тури ва талаффузи ҳаракатга, яъни улар ёнидаги унли товушга таъсир қилиши мумкинлигини кўриш мумкин. Яъни يَفْعَلُ، فَعَلَ، қолипининг ҳалқум ҳарфларда касра бўлиши ўрнига, талаффузда осон, текис бўлиши учун фатҳа олинганлиги далилида намоён бўлди. Агарда мана шу бобдаги иккинчи ва учинчи ўзак ундошлари ҳалқум ҳарфли бўлган сўзлар: جَهَرَ - “баланд гапирмоқ”; خَلَعَ - “ечмоқ”; رَبَعَ - “чўпонлик қилмоқ”; شَأَمَ - “кўллаб-қувватламоқ”; صَلَحَ - “яхши бўлмоқ”; بَخَسَ - “бахтсизлик келтирмоқ”; سَخَبَ - “тортмоқ, чиқариб олмоқ, سَخَطَ - айлантормоқ; بَعَجَ - “беркитмоқ”, بَعَثَ - “тўсатдан содир бўлмоқ» феълларини мисол қилиб олсак, ҳозирги замон луғатларида бу феълларнинг ўзак ўрта ундошлари фатҳа бўлиши таъкидланган.

4. فَعَلَ - вазнига тааллуқли феъллар. Масалан: غَضَّ يَغْضُ - “мақтамоқ”, حَمَدَ يَحْمَدُ - “тишламоқ”, يَنَسَ - “кенг бўлмоқ”, وَسَعَ يَنْسَعُ - “кир бўлмоқ”, وَضَرَ يَوْضَرُ - “кўркмоқ”, خَافَ يَخَافُ - “тушқунликка тушмоқ”, يَبَسَّ يَبْسُ - “кўркмоқ, ҳавотирланмоқ”, هَابَ يَهَابُ - “кўркмоқ”, قَوِيَ يَقْوِي - “кучли бўлмоқ”, وَجِيَ يَوْجِي - “едирилмоқ”, “яшамоқ”

қолипига келтирилган мисоллар орасида бу қолипда ясалмаган وَقَح (уятсизсиз бўлмоқ) ўрта ўзак ҳарф (и) бўлган феъл ҳам, шунингдек ўрта ўзак ундоши (а/и) бўлган, ўтимли حَب феъли мисол қилинган. Муъиззий эса бу қолипдаги феълларни لا يكون إلا لازما, яъни бу боб фақат ўтимсиз бўлади деб айтади. (ал-Муъиззий, 1907)

Берилган فَعَلَ қолипининг хусусиятларини Муъиззий келтирган мисолларнинг маъноларида ҳам кўриш мумкин. Уларда ҳам тегишлилик, ҳам давомий хусусиятга эга бўлиш маъноси бор.

Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” асарида биринчи босқич (3 المرتبة الأولى) ўзак ундошли “мужаррад” феълларининг олти бобларига таъриф берилган.

Европа шарқшунос олимларининг асарларида мазкур 6 боб битта ягона боб сифатида келтирилади. (Glanville, 2018)

Асардаги иккинчи босқичда (المرتبة الثانية) Муъиззий 3 ундош ўзакли мазид (مزید), яъни “зоида” ҳарфлар қўшилган феълларни киритиб, уларнинг 12 та бобига таъриф беради. Даставвал, феълларга орттирилувчи, зоида ҳарфларга таъриф берсак, Аббос Ҳасан уларни шундай таърифлайди:

أحرف الزيادة عشرة يجمعها لفظ «سألتمونيها» كما عرفنا - ولكل منها علامة تساعد على معرفة أنه زائد

(Hasan, 1967)

Юқорида айтиб ўтганимиздек, I бобдан ташқари, яъни I бобнинг хосила боблари айнан шу зоида ҳарфлар орқали ясаиб, “فعل مزید فيه”, яъни қўшимча қўшилган феъл» деб номланади.

Иккинчи босқич (المرتبة الثانية) дан ўрин олган сулосий мазид феълларининг 12 тасини ташкил қилади:

1. أَفْعَل боби бўлиб, у замонавий тилшуносликда IV боб қолипи деб номланади. Олим бу бобга мисол сифатида أَكْرَمَ يُكْرَم (хурмат қилмоқ); أَحَبَّ يُحِب (севмоқ); أَوْجَبَ يُوجِب (вожиб қилмоқ); шунингдек أَيَسَّرَ يُيسِّر аслида эса (бойитмоқ) ва أَقَامَ يُقِيم (ўрнатмоқ) феълларини келтирган.

Муъиззий أَفْعَل боби ҳақида шундай дейди: واعلم أن أصل يُفْعَل يُؤْفَعَل لأن همزة أَفْعَل قطعاً، بدليل قولهم: الرَّجُلُ أَكْرَمَنِي، وكان من حقها ألا تسقط بعد حرف المضارعة، إلا أنهم كرهوا أن يقولوا في الحكاية: أَفْعَل أَوْفَعَل، فأسقطوها معها ثم مع أخواتها تبعاً لها

(ал-Муъиззий, 1907)

«Билгинки, أَفْعَل аслида يُؤْفَعَل дир, чунки أَفْعَل нинг хамзаси қатъий бўлиб, «الرَّجُلُ أَكْرَمَنِي» гаплари билан далил қилинган ва хамза ҳозирги-келаси замон ҳарфидан сўнг тушиб қолади, чунки улар أَفْعَل ни يُفْعَل шаклида талаффуз қилишни хоҳламаганлар ва хамзали алифни қолган шахсларда ҳам тушириб қолдирганлар».

Муъиззийнинг қўлғизмасида мазкур бобнинг ҳозирги-келаси замони يُفْعَل шаклида берилган.

Аслида бу феълнинг шакли барча сарф китобларида يُفْعَل шаклида келтирилган. Бу бобнинг таърифи Муъиззий юқорида келтирган гап билан кифояланмайди. أَفْعَل вазнидаги рубоъи феълларининг ҳозирги-келаси замони ع ўзак ундоши даммали бўлади ва ҳозирги-келаси замонда биринчи шахс-сон қўшимчаси қўшилганда иккита хамзанинг тўқнаш келишидан ҳоли бўлиш мақсадида хамзаси тушириб қолдирилади. Бошқа шахсларда ҳам шу сабабдан хамза туширилиб қолдирилади. (أنا أَكْرَم). (هو يُكْرَم – نحن نُكْرَم،..... إلخ). Умар бин Собит ал-Саманини ўзининг “شرح التصريف” асарида бу масала бўйича барча мавжуд бўлган маълумотларни жамлаган. (Al-Samanini, 1997)

صَرَخ يصْرَح боби бўлиб унга олим سَوَى يسْوِي (осонлаштирмоқ); سَوَى يسْوِي (тенглаштирмоқ) ва бошқа феълларни мисоллар сифатида келтиради ва қуйидаги таърифни беради: واعلم أن الزائدة فيه هي العين الأولى عند بعضهم والثانية عند آخرين وكذا الخلاف في الزائدة من كل مكرّر.

(ал-Муъиззий, 1907)

“Билгинки, бу феъллардаги қўшимча баъзи тилшунослар наздида биринчиси “айн”, баъзи бошқаларда эса иккинчиси “айн” дир. Бу ихтилоф иккиланган ҳарфлари бор барча феълларда мавжуд.” Мавзуни батафсилроқ ёритадиган бўлсак, масалан صَرَخ феъли аслида صَرَزَح бўлиб, бунда сукунли “ز” биринчи “айн”, фатҳали “ز” иккинчи “айн” ҳисобланади. Ихтилоф мавзуси ушбу икки ҳарфнинг қайси бири қўшимча эканлигига тааллуқлидир.

Ибн Жинний ўзининг “Хасоис” номли китобида бу мавзу юзасидан пайдо бўлган ихтилофни ҳал қилиб берган. У мазкур мавзу учун алоҳида боб ажратиб уни “اب في المثليين كيف حالهما في الأصلية” (икки бир ҳил ҳарф, иккисининг асл ҳолати қандай) деб номлаган ва икки қараш ҳам мақбул бўлишини исботлайдиган қўплаб далил ва ҳужжатларни келтирган. (Ibn Jinniy, Al-Xasois, 2008) Сибавайҳи бу бобнинг масдарининг تَفْعِيل вазнида эканлигини шарҳлаб, вазн бошидаги биринчи ҳарф “та”ни қўшимча “айн”нинг ўрнига қўшилган деб айтади. (Sibavayh, 1988)

3. فَاعِل боби га Муъиззий бир неча мисоллар келтиради: سَافَرُ يُسَافِر (сафар қилмоқ), حَابَ (севишмоқ), وَاطَبَ يَواطِب (қатъиятли бўлмоқ), جَاوَبَ يَجاوِب (жавоб бермоқ), طَاطَبَ يَطَاطِب (яхши муомалада бўлмоқ), حَابَى يَحَابَى (олдиндан кўра ола билмоқ), دَاوَى يَدَاوَى (даволамақ).

Маълумки, феълларга қўшиладиган қўшимчалар (зоидалар) ёки вазни тўлдириш ёки асл маънога янги маъно қўшиш учун ишлатилади. فَاعِل – يُفَاعِل боби билан муаллиф битта ҳарф қўшилган боблар мавзусини яқунлайди, улар فَعَلَ وَفَعَلَ бобларидир.

Ибн Малик ўзининг “شرح التسهيل” асарида бу маъноларни “أبنية الفعل ومعانيها” деб номланган алоҳида

бобда жамлаган. (Al-Jayyaniy , 1990)Унда келтирилишича **أفعل** боби куйидаги маъноларни ифодалаш учун ишлатилади:

Ўтимсиз феълни ўтимлига айлантириш, масалан:
أَدْنَيْتَ زَيْدًا (Зайдни яқинлаштирдим), أَلْبَسْتَهُ ثَوْبًا (Унга
кийим кийдирди);

(бирор нарсанинг бирор жойда) кўп бўлиши, масалан: **أطْبِى الْمَكَانِ وَأَضْبَ وَأَدَابُ** (кийиклар кўп, кўп туман тушадиган, бўрилар кўп жойлар);

феъл билдирган маънога бажарувчининг эга бўлиши, масалан: أحصد الزرع (экин ўримга тайёр бўлди), وأتلت الناقة (она туянинг кетидан юрадиган боласига эга бўлиши), وأجرت الكلبة (кучук болаларга эга бўлди)ألبنت الشاة، (қўй сугта кирди);

дучор килмоқ, йўлиқтирмоқ, масалан: كافتلت فلانا
(бировни ўлимга йўлиқтирмоқ, ўлдиртирмоқ), ابعت ،
الشئ (сотувга қўймоқ, соттирмоқ);

фeъл билдирган маънони олиб ташлаш ёки кетказиш, масалан: كاشكيت الرجل (кишидан шикоят сабабини кетказмоқ, олиб ташламоқ);

бажарилаётган сўзни бирор ҳолатда ёки сифатга лойиқ деб топмоқ, масалан: أحمَدت فلانا (фалончини мактовга лойиқ деб топдим), أبخلته (уни бахил сифатида топдим) أجبنته (уни кўрқоқ деб топдим) ва ҳ.кз.

(Al-Jayyaniy , 1990)

4. **اِفْتَعَلَ – يَفْعَلُ** боби бўлиб, бу боб ҳозирги даврда VIII боб деб номланади. Муъиззий бу бобга бир нечта мисоллар келтиради. Улардан **احتسب يحتسب** (ҳисобга олмак), **احتج يحتج** (норозилик билдирмок), **اوضح يوضح** (ойдинлашмок), **اسلدا** (яъни “вав” “та”га айланган ва зоида “та” га идғом қилинган, **اتسر يسر** (осон бўлмак), **افتات يفتات** (ўйламок, иш қилмок), **اكتال يكتال** (катл ўлчов бирлиги қилиб олди), **اختلف يختلف** (яширинмок), **احتوى يحتوى** (ўз ичига олмак), **اتقى يلقى** (парҳез қилмок) асли **اوتقى يوتقى** каби феълларни бериб, уларда «вав» ёки «йай» ҳарфлари «та» га айланиб, **اِفْتَعَلَ** «та» си билан идғомланиши, яъни иккиланишини айтиб ўтади. (ал-Муъиззи, 1907) Аслида “вав” дан олдин қандай ҳаракат келишига қараб у ёки “алиф” ёки “йа” ёки “вав” га айланиши керак эди, лекин араблар “вав”ни олдида ҳар уччала ҳаракат келса ҳам ўзгармайдиган ҳарфга айлантиришни ҳоҳлаганлар ва махражи лаб-лаб товуши “вав”га яқин бўлган тил олди, юқоритиш “та”ни танлаганлар ва **اِفْتَعَلَ** нинг “т” сига ассимиляция қилиб юборганлар. масалан: **اتعد واتزن**.

Баъзи араб қабилалари “вав”ни “та”га айлантирганлар, балки ундан олдинга ҳаракатга қараб ўзгартирганлар. (Ibn Jinniy, Kitabu sirr sinaat al-irob, 2000) Масалан: *ايتعد، وايتزن، وايتيس، ويوتعد، وياتعد، وموتيس، ويوتزن، وياتزن، وياتيس، وموتعد، وموتيس.*

Муъиззий бобда содир бўлувчи баъзи муҳим орфографик ўзгаришлар ҳақида хабар бермаган ёки

шундай ўзгарган феълларни мисол қилиб бермаган. Бундай ўзгаришлар масалан, Б.М.Гранденинг VIII бобга берган маълумотларида қуйидагича кўрсатилиб ўтилган: «Агар ўзак эмфатик ҳарфлар ص ض ط ظ дан бири билан бошланган бўлса, у ҳолда ассимиляция ҳам эмфатик бўлади, яъни ت ҳарфи ط га айланади. صنع (ясамақ) дан - اصطنع, طلع (чикмоқ) дан - اطلع, ”ظ - ط” билан бошланган феълларда тўлиқ ассимиляция, ёки ”ط” билан ёки ”ظ” билан бўлади; ظلم дан - اظلم ёки اظلم, боши ز د ва ز бўлган феълларда жаранглилиги бўйича инфикс ассимиляция юз беради. Яъни ”ت” ўрнига ”ذ” бўлади. ”ذ” билан бошланган феълларда эса тўлиқ ассимиляция ёки ”ذ” ёки ”ذ” билан содир бўлади. Масалан, ذخر дан - ادخر ёки ادخر». (Гранде, 1963)

Берилган бу ўзгаришлар бобдаги муҳим орфографик ўзгаришлар деб ҳисобланади. Муъиззий бу борада кўидаги қондани беради:

«واعلم أن لا نقول في يُفْعَلُ أصله يَأْفَعُلُ كما قلنا في يُفْعَلُ أصله يُوَفْعَلُ لأن همزة إِفْعَلٍ وصلية لبديل قولهم: الرَّجُلُ أَحْسَبُ، فقها أن تسقط بعد حرف المضارع، وكذا كل همزة وقعت بعده

(ал-Муъиззи, 1907).

«Билгинки, بِأَفْتَعِلْ бобида асли يُوْفَعِلْ деганимиздек. Чунки Худди يُفْعِلْ бобининг асли إِفْتَعَلَ нинг ҳамзаси васлалӣ бўлиб, арабларнинг الرَّجُلُ деган гапи бунга далил қилиб келтирилади. Ва бу васлалӣ ҳамза ҳозирги-келаси замон шаклига оид ҳарфидан сўнг туширилиб қолади ва шунингдек барча ҳамзалар ҳозирги-келаси замон ҳарфидан сўнг туширилиб қолади, - дейди».

Бу таърифда «бошқа ҳамзалар» дейилганда, أَفْعَل ва افْتَعَلَ бобларидаги ҳамзалар ҳозирги-келаси замонда барча шахс ва сонда тушиб қолдирилиши назарда тутилган.

5. **يَفْعَلُ - يُفْعِلُ** боби бўлиб, бу боб ҳозирги даврда VII бобга тўғри келади. Муъиззий бу бобга ҳам бир қанча мисолларни келтиради. Масалан: **اَسْحَبَ يَسْحَبُ** (кетмок, чекинмок), **اَنقَضَ يَنْقِضُ** (қуламок); **اِنْقَاسَ يَنْقِاسُ** (ўлганган бўлмок); **اَنْجَلَى يَنْجَلِي** (ойдин бўлмок); **اَنْزَوَى يَنْزَوِي** (узоклашмок, ғойиб бўлмок). Б.М.Гранде ва ад-Дахдах бу бобга кенгрок тўхталиб ўтганлар ва бу бобга алоқадор бир неча қоидаларни келтирадилар. Масалан, Гранде шундай дейди: “VII боб феъли фақатгина ўтимли феъллардан ясалгандагина I бобга нисбатан қайтувчи маъноини билдиради. Араб муаллифлари бунини **لا يفع إلا حيث يكون علاج وتأثير**” (қайтувчи маъно) тўғридан-тўғри иш-ҳаракат ёки таъсир назарда тутилсагина бўлади” дейдилар”. (Гранде, 1963) Берилган бу таърифдаги “қайтиш” бу ўзлик-мажхуликка ўтиш маъносида келади. Мисол қилиб айтадиган бўлсак, **”هزم”** дан (мағлуб қилмок)- **”النهزم”** (мағлубиятга учрамок) қайтувчи, шунингдек (мағлубиятга учраган бўлмок) мажхул маъноларда ишлатилган.

Розиюддин Астрабоди Ибн Ҳожибнинг “Шофиясининг” шарҳида Сибавайҳининг бу боб ҳақидаги қуйидаги гапни келтиради: “**اَنْفَعَلَ** боби қайтувчи маънони англатади, бу маъно **اَفْتَعَلَ** бобида ҳам бор. Биринчи ўзак ундоши **م** **و** **ر** **ل** ундошларидан бири бўлган феъллардан **اَفْعَلَ** бобига нисбатан бобидаги феъллар кўпроқ қайтувчи маънода келади. (Исломов З., 2020) Масалан **الجرح لأُنت** (жароҳатни боғладим) жумласидаги феълидан ўзига қайтувчи маъно, яъни боғланиш **أَنْتَ** шаклида ясалади, **أَنْتَ** дейилмайди, **رَمِيتَ** (улоқтирдим, отдим) феълидан **أَرَمْتِ** (улоқтирилди) бўлади, **أَرَمْتِ** бўлмайди, **وَصَلَ** дан **أَتَصَلَ** бўлади, эмас, лекин феълидан **أَتَقَى** ва **أَتَقَى** шаклида ясаши мумкин, шунингдек **أَمَحَى** ва **أَمَحَى** шаклидаги феъллар ҳам мавжуд. Бунга сабаб юқоридаги ҳарфлар сукунланган “нун” идғомланадиган ҳарфлардир. **اَفْعَلَ** нинг “нун” и эса маънони ўзига қайтишини англатади” (Al-Istirobazi, 1975)

Антуан Дахдаҳ бу бобда ясалган феъллар ҳақида шундай дейди: “Кўпинча **اَفْعَلَ** қолипи 1-ўзаги **ل**, **ر**, **د**, **م** бўлган феъллардан ясалмайди, бундай маънодаги феълларни **اَفْعَلَ** вазни билан ясаса бўлади”. (Ad-Dahdah, 1992)

Берилган таърифлар солиштирилиб бу ҳарфлар жамланса бу бобда “ра”, “вав”, “ҳамза”, “йа”, “лам”, “нун”, “мим” ҳарфлари билан бошланган ўзаклардан феъл ясалмайди деган хулосага келиш мумкин.

اَفْعَلَ бобида ясалган феъллар қайтувчи (ўзлик) маъносини англатади. бу маъно бўйича **اَفْعَلَ** боби билан баъзи жиҳатдан муштарак бўлади. **اَفْعَلَ** бобининг сарф китобларида зикр қилинган бошқа маънолари ҳам мавжуд: бирор нарса бўйича ўзаро иштирок бўлиш, масалан **زَيْدٌ وَعَمْرُو** ; **اصْطَفَى** **و** **اِنتَخَبَ** ; танланганликни англатиш, масалан: бирор иш ҳаракат бўйича куч сарфлаш, масалан: **اَكْتَسَبَ** **و** **اِكْتَسَبَ** (Abdulhamid Muhyiddin, 1995)

6. **اَفْعَلَ** – **اَفْعَلَ** боби бўлиб, ҳозирги кунда бу боб IX боб деб номланади. Муъиззий бу бобнинг ҳарфлар жойлашиши аслида **اَفْعَلَ** бўлишини айтиб ўтади. Адабиётларда бу боб асосан сифатлар билан боғликлигини наҳв олимлари айтиб ўтганлар. Жумладан ад-Дахдаҳ шундай дейди:

وزن افعال غالبا يكون للدخول في الصفة. احمر و أيضا للمبالغة»
«: اسود الليل

«**اَفْعَلَ** вазни кўпинча сифатларга дахлдор бўлади: **احمر** (қизармоқ), шунингдек муболағани ифодалаш учун, яъни маънони кучайтиришга ишлатилади: **اسود** (тун қорайди). (Ad-Dahdah, 1992)

Б.М. Гранде эса бу бобни кўпинча рангларни англатувчи ёки жисмоний нокислик ва уни вужудга келтиришни англатувчи **اَفْعَلَ** вазнидаги сифатлар билан боғликлигини айтиб ўтади. (Гранде, 1963)

Муъиззий ҳам бу бобга сифатларни англатувчи феълларни мисол қилиб келтиради. Масалан: **اَحْمَرٌ** (қизармоқ), **اِسْوَدٌ** (қораймоқ), **اَبْيَضٌ**

(оқармоқ). Шунингдек олим бу бобга **اِرْعَوَى** **يُرْعَوَى** (ақлини йиғиб олмоқ) нокис феълини мисол қилиб, унинг ясаилишини қуйидагича тушунтиради:
اِرْعَوَى **يُرْعَوَى** **مِنْ** **نَاقِصِ** **هَذَا** **الْبَابِ** **أَصْلُهُمَا** **اِرْعَوَى** **يُرْعَوَى** **تَرَكَوْا** **الْإِدْغَامَ** **وَقَلْبُوا** **الْوَاوَ** **الثَّانِيَةَ** **أَلْفَا** **فِي** **الْمَاضِي** **وَيَاءَ** **فِي** **الْمَضَارِعِ** **فَحَصَلَا** **عَلَى** **مَوَازَاةٍ** **اَنْزَوَى** **يَنْزَوَى**.

(ал-Муъиззий, 1907)

«**Яъни**, **اِرْعَوَى** **يُرْعَوَى** феъллари аслида **اِرْعَوَى** бўлиб, идғомни ташлаб кетганлар, иккинчи «вав» ни ўтган замонда алифга, ҳозирги-келаси замонда «йай»га айлантирганлар ва **يَنْزَوَى** қолипларига мос қолип ҳосил бўлган,- деб айтади.

7. **اَفْعَلَ** – **اَفْعَلَ** боби бўлиб, ҳозирда бу боб XI боб ҳисобланади. Бу бобдаги ўзак ҳарфларнинг жойлашиши аслида Муъиззий айтганидек **اَفْعَلَ** дир. Бу боб ҳақида ад-Дахдаҳ маълумот бермаган. Лекин Муъиззий берган мисолларга назар ташласак, улар: **اِسْوَدَّ** **يَسْوَدُّ** (қаттиқ қизармоқ), **اِحْمَرَّ** **يَحْمَرُّ** (қаттиқ қораймоқ) каби мисолларни IX боб мисолларига яқинлигини кўраимиз. Бу борада Б.М.Гранде шундай дейди: «XI боб IX бобга маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам боғлиқдир. У фақат IX бобнинг баъзи феълларидан ясаиб, 2-ўзакдан сўнг чўзиқ унлини кўшиш орқали ҳосил қилинади, маъноси худди IX бобнинг маъноси каби бўлиб, фақатгина бироз кучлилигини англатади. Масалан: **اصْفَرَّ** “сарғаймоқ” дна **اصْفَرَّ** “қаттиқ сарғаймоқ”.

Муъиззий юқоридаги уч бобни **اَفْعَلَ** ва **اَفْعَلَ** бобларини ўтимли бўлмаслигини айтиб ўтади.

Шу ўринда Муъиззий бу уч боб ҳақида фикр билдирганда уларни, бошқа сарф китоблари каби қўшилган зоида ҳарфлари сони билан эмас, балки ўтимлилик бўйича келтирганини кўришимиз мумкин.

8. **اَفْعَلَ** – **اَفْعَلَ** боби бўлиб, ҳозирда V боб деб номланади. Бу боб ҳақида Б.М.Гранде шундай дейди: «яъни, V боб II бобдан олдида қайтувчи, ҳаракатнинг субъектга йўналтирилганлиги кўрсаткичи бўлган **تَ**-олд кўшимчасини кўшиш орқали ясалади. Масалан: **اَجَرَ** “ижарага бермоқ”дан **تَأَجَّرَ** “ижарага олмоқ”, II боб декларатив (кимнидир нимадир деб ҳисобламоқ) маъносига эга бўлиши мумкин, V боб мос келувчи қайтувчанлик маъносини олади, (ўзини кимдир деб ҳисобламоқ), масалан: **تَكَبَّرَ** ўзини улуғ деб билмоқ».

Муҳаммад Муъиззий V бобга келтирган мисолларни Б.М.Гранде ҳам келтирган маъноларда ҳам кўриш мумкин, масалан: **تَفَصَّحَ** (фасоҳатли бўлмоқ), **تَحَيَّرَ** (хайрон бўлмоқ), **تَنَبَّهَ** (осон бўлмоқ), **تَرَيَّ** (суғорилмоқ), **وَتَرَوَى** (кийинмоқ) ва бошқалар.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Ал-Муфасссал” асарида **اَفْعَلَ** бобининг маъноси бўйича шундай дейди: “**اَفْعَلَ** боби **اَفْعَلَ** бобига нисбатан ўзига қайтувчи маънони англатади, масалан: **كَسَرَ** (синдирди) дан **تَكَسَّرَ** (ўзи) синди, **قَطَعَ** (кесди, бўлди) дан **تَقَطَّعَ** (кесилди, бўлинди), шунингдек феъл англатган маънони ўзида

муҳассамлаштириш ва уриниш маъноси, масалан: تشجع (шижоат кўрсатмоқ), تصبر (сабр кўрсатмоқ), تحلم (ҳалмлик қилмоқ), تمرأ (мурувват кўрсатмоқ).

Шунингдек, استفعل боби маъносида ишлатилади, масалан: تكبر (кибрланмоқ), تعظم (улуғланмоқ), تقصى (шошилиш бўлмоқ), تيقن (амин бўлмоқ), تعجل (ўрганмоқ), تثبت (мустаҳкам бўлмоқ), تبين (аниқ, равшан бўлмоқ), бирор ишни бир муҳлатдан кейин қилиш, масалан: تخرج (қултум-қултум қилиб ичмоқ), تحسى (хўпламоқ), تعرف (танишмоқ), تفوق (юқори бўлмоқ, устун бўлмоқ), تفهم (яхши фаҳлмоқ), تبصر (мулоҳаза қилмоқ), تسمع (кулоқ солмоқ); исмдан ясаиб, уни ўзига бирор нарса қилиб олиш, масалан: توسد التراب (тупроқни ўзига болиш қилиб олди); феъл билдирган маънодан сақланиш, масалан: تهجد (уйқу) дан сақланмоқ), تخرج (гуноҳ) дан сақланмоқ). (Az-Zamakhshariy, 1993)

9. يتفاعل – تفاعل боби ҳозирги кунда VI боб қолипи ҳисобланади. Муъиззий бу бобнинг қандай маъноларни англатишга таъриф бермасда, кетирилган мисоллардан тушуниш мумкин. Масалан: تدارك (чора кўрмоқ), تصام (ўзини қарликка солмоқ), توارث (мерос бўлиб ўтмоқ), تياسر (бошқалар билан қимор ўйнамоқ), تجاوب (бир бирига жавоб бермоқ), تزايد (кўпаймоқ), تصابي (ўзини ёш болалардек тутмоқ), تداوى (даволанмоқ) ва бошқалар. (ал-Муъиззий, 1907)

Таъқидлаш керакки, تفعل вазни билан تفاعل вазини билан التكلف, яъни феъл англатган маънони ўзида муҳассамлаштириш ва уриниш маъноси буйича муштарак бўлади, бироқ биринчисидан бу маъно иш-ҳаракат ҳақиқатдан содир бўлишини англатса, иккинчисидан иш-ҳаракат ҳақиқатдан содир бўлмайди. Розиюддин Астрабодий Ибн Ҳожибнинг “Шафия” асарига ёзган шарҳида “تفعل маъносидаги تفاعل вазнида ясалган تحلم (ҳалм бўлмоқ), تمرأ (мурувватли бўлмоқ) каби бошқа феълларда иш ҳаракатнинг бажарувчиси бу феълнинг ҳақиқатдан содир бўлишини истайди, ва бошқаларни адаштирмаслик учун буни изҳор қилишни мақсад қилмайди, تفاعل вазнида эса буни аслида ҳақиқатдан ҳохламайди ва иш-ҳаракатнинг содир бўлишини мақсад қилмайди”. (Abdulhamid Muhyiddin, 1995) Бундан мақсад шуки تفاعل вазнинг маънолардан бири бирор нарсанинг ўзида борлигини ёлғондан кўрсатиш, масалан: تمارض (ўзини касал қилиб кўрсатмоқ), تحامق (ўзини аҳмоқликка солмоқ), яъни касал ҳам, аҳмоқ ҳам эмас, балки бошқаларга ўзини шундай кўрсатмоқ.

Шунингдек, تفاعل вазни билан иш-ҳаракатни биргаликда бажариш маъноси жихатидан муштарак келади. Аммо бири иккинчисидан фарқланади, агар تفاعل иккита тўлдирувчини талаб қиладиган ўтимли феъл бўлса, масалан: جازيت علياً ثوبه (ва феълни تفاعل вазнига солинса, битта тўлдирувчини талаб қиладиган бўлади. масалан: تجازب علياً ومحمد

الثوب. Агар تفاعل вазнидаги феъл битта тўлдирувчини талаб қиладиган ўтимли феъл бўлса, масалан: شاتم بكر إبراهيم (Бакр Иброҳимни сўқди), تفاعل вазнида ўтимсизга айланади وإبراهيم شاتم بكر (Бакр ва Иброҳим сўқишишди). (Al-Ishtirobaziyy, 1975)

Мазкур мисолларни Б.М. Гранде VI бобга берган маъно таърифлари билан солиштириш мумкин. У қуйидаги хусусиятларни келтиради: «Яъни, асосий маъноси - ўзаро иш-ҳаракатдир, масалани تقابل (бирбирини қарши олмоқ) қابل дан (кимнидир қарши олмоқ) бир нечта иш-ҳаракат бажарувчилари иш-ҳаракатнинг кетма-кет қайтарилиши маъносида, яъни ўзаро кетма-кетлик, масалан: تتاثر (барглари кундан-кунга тўкилиши); кўпинча I боб маъноси билан мос келади, масалан: عطى ва تعطى (олмоқ, қабул қилмоқ), تناول феъли (таом қабул қилмоқ) III бобда - ناول (таклиф бермоқ), VI бобнинг маъноси ўзига қайтишдан келиб чиққан, шунингдек “бирор нарсанга ўзини солиш маъносида, مات (ўлмоқ) дан تمت (ўлганга солмоқ) ва бошқалар”

10. يستفعل – استفعل боби бўлиб, замонвий тилшуносликка X боб қолипи деб юритилади. Муъиззий унга қуйидаги мисолларни келтиради. Масалан: استخرج (чиқариб олмоқ), استحب (яхши кўрмоқ, афзал кўрмоқ), استوجب (ўзига вожиб деб ҳисобламоқ), استيسر (осон бўлмоқ), استجب (дуони қабул қилмоқ), استبأع (сотишни сўрамоқ), استهدى (хидоят изламоқ), استهوى (сеҳрламоқ, адаштирмоқ), استحيى (тирик қолдирмоқ), استوفى (тўлиқ эгалламоқ, тўлиқ олмоқ).

Жамолиддин Муҳаммад Андалусийнинг Ибн Моликнинг “Тасхил” асарига ёзган шарҳида Ибн Моликнинг маънолари кўп эканлигини айтиб қуйидагиларни келтиради: талаб ва сўраш маъноси, масалан: استعان (кўмак сўрамоқ), استغفر (мағфират сўрамоқ), استوهب (совғага сўрамоқ), استطعم (таомлантиришни сўраш); ўзгариш маъноси, масалан: استنوق الجم (туя урғочига ўхшаб мулоим бўлиб қолди), استتبت العنز (эчки така каби бўлиб қолди), استحجر الطين (лой тош бўлиб қолди); кимнидир ёки ниманидир ўзига қабул қилмоқ, масалан: استعبد (ўзига қул қилиб олди), استامى أمة (ўзига ама (аёл қул) қилиб олди), استأجر أجيرا (ўзига ижарачи қилиб олди) (Гранде, 1963).

Муъиззий эса бобнинг маъно хусусиятларини мисоллар орқали намоён қилишга ҳаракат қилган.

11. يفعول – افعل боби бўлиб, ҳозирги замон араб тилшунослигида XII боб деб юритилади. Бу бобга Муъиззий қуйидаги мисолларни келтиради: اغزوى (букри бўлмоқ), اخذوب (ер юзиди якка бўлиб қолмоқ). (Гранде, 1963)

Берилган мисоллардан бири орқали ад-Дахдах бобнинг маъно хусусиятига таъриф бериб ўтади:

وزن افعول غالبا يكون للمبالغة: احدثوب.

Яъни, افعول вазни кўпинча муболаға учун бўлади. (Ad-Dahdah, 1992) Б.М. Гранде эса бу бобга қуйидаги маълумотларни беради: “Яъни,

XII боб 2-ўзак ундошидан сўнг «и» унлисини қўшувчи дифтонг ва 2-ўзак ундошининг яна бир бор қайтарилиши билан ҳосил бўлади. I ва VI бобда ифодаланган иш-ҳаракатнинг кучайиши маъносини билдиради. اخشوشن (қўпол бўлмоқ), عشب (ўт билан қопланмоқ)дан اعشوشب (ер қўп яшил ўтлар билан қопланади), бу шакл охириги 2-ўзак ундошининг редупликацияси (қайтарилиши) в диссимилияция (боғланмаслиги) билан ҳосил бўлган: اخشوشن дан اعشوشب деган маълумотларни беради. (Гранде, 1963; Ислмов З., 2020)

Ибн Жинний ўзининг “Муснаф” асарида افْعول боби маънони муболаға қилиши ҳақида гапириб, унинг икки ҳил, ўтимли ва ўтимсиз бўлиши мумкинлигини айтади. (Ibn Jinniy, Al-Musnaf, 1954)

12. Асарда келтирилган 3 ундош ўзакли мазид феълларнинг сўнгги боби, яъни يَفْعُول – يَفْعُول бобидир. Ҳозирги замон адабиётларида бу боб XIII боб деб аталади. Муъиззий бобга جَلَز (боғламоқ) феълнинг XIII боби اجْلَوْزُ يَجْلُوْزُ феълени мисол тариқасида келтиради. Б. Гранде шундай дейди: «Яъни, XII боб 2-ўзакдан сўнг ташдид олган «и» унлисини қўйиш билан ясалади. Кучайтириш маъносини билдиради, масалан: عِلد феълдан (мустаҳкам, қаттиқ бўлмоқ), اعْلُوْد (оғир вазнли бўлмоқ)» (Гранде, 1963).

Сарф илми олимлари افْعول боби муболаға ва кучайтириш маъноларини англатишига иттифок қилишган. Бу феъл ўтимли ва ўтимсиз бўлиб келиши мумкин. Ибн Жинний бу боб ҳақида шундай дейди: “билгинки افْعولт икки ҳил бўлади: ўтимли ва ўтимсиз, ўтилилигига мисол: اعْلُوْطُ الْمَهْر (отни эгарсиз миндим), ўтимсизига اَجْلُوْطُ ва اَجْلُوْطُ (шиддат билан юрдим)” (Ibn Jinniy, Al-Musnaf, 1954) اَجْمَعُ الصَّرْفِيَّوْنَ عَلَى أَنَّ افْعُولَ يَدُلُّ عَلَى الْمَبَالِغَةِ وَالْقُوَّةِ فِي الْفِعْلِ، وَيَأْتِي مُتَعَدِّيًا وَلَا زَمًا، قَالَ ابْنُ جَنِيٍّ: «اعْلَمْ أَنَّ «افْعُولًا» يَكُونُ أَيْضًا عَلَى ضَرْبَيْنِ: «مُتَعَدِّيًا، وَغَيْرَ مُتَعَدِّيًا، فَالْمُتَعَدِّيًا نَحْوُ «اعْلُوْطُ الْمَهْرِ» (أَيَّ رَكِبْتُ الْفَرَسَ بِغَيْرِ سَرَجٍ)، وَغَيْرَ الْمُتَعَدِّيًا قَوْلُهُمْ: «اعْلُوْطُ السَّفَرِ» إِذَا امْتَدَّ، وَ«اعْلُوْطُ» (أَيَّ مَشَيْتُ بِشِدَّةٍ فِي الْمَشْيِ كَأَنِّي أَجْرِي» (Ibn Jinniy, Al-Musnaf, 1954).

Таърифдан маълумки, бу боб ҳам юқорида зикр қилинган XII боб сингари бир ҳил “кучайтирув, муболаға» маъносига эга.

ХУЛОСА

Ал-Муъиззининг асари тўртта катта бобга ажратилган бўлиб улар ўз навбатида фаслларга, яъни кичикроқ гуруҳларга бўлинган. Биринчи фаслда феълларнинг ўтган, ҳозирги-келаси замонларда ва буйруқ майлида тусланиш тартиби келтирилган. Иккинчи фасл тўғри феъллар, учинчи фасл икиланган феъллар, тўртинчи фасл бўш феъллар, бешинчи фасл ноқис феъллар, олтинчи фасл лафиф феъллар, еттинчи фасл мултави феъллар ва

саккизинчи фасл эса “нун ат-таъкид” мавзуларининг таҳлилига бағишланган.

Асарда феълларнинг турли бобларидаги шакллари, уларнинг ўтган ва ҳозирги келаси замон шакли, уч ундош ўзакли феълларнинг ва тўрт ундош ўзакли мазид феълларнинг боблари ҳақида ҳам фикр юритилади. Шу билан бирга, товуш илми (фонология) сарф илми билан боғлиқлиги, махражи халқумдан чиқадиган олтига ҳарфнинг биронтаси феълнинг иккинчи ёки учинчи ўзак ундоши ўрнида келиши, ўрта ўзак ундошининг ҳаракати қасра эмас фатҳа бўлишини талаб қилиниши мисоллар асосида исботланиб берилган.

مزيد атамаси - феълларнинг биринчи боби, مزيد атамаси эса - феълларнинг ҳосила, яъни биринчи бобдан ташқари, ёрдамчи, қўшимча ҳарфлар қўшилиши билан ҳосил қилинган феъл бобларига нисбатан қўлланилиши назарда тутилган.

Муъиззий келтирган 3 ундош ўзакли мужаррад феълларнинг (فعل ثلاثي مجرد) олтига боби бирма-бир санаб ўтилган.

Муъиззий араб феълларининг افْعَل , انْفَعَلَ ва افْعَال бобларини ўтимли бўлмаслигини айтиб ўтади. Муъиззий бу уч боб ҳақида фикр билдирганда уларни, бошқа сарф китоблари каби қўшилган зоида ҳарфлари сони билан эмас, балки ўтимлилик бўйича келтирганини кўришимиз мумкин.

Б. М. Гранденинг феъл боблари борасида келтирган қоидалари Ал-Муъиззийнинг “Тасриф ал-Афъал” асаридаги қоидалар билан солиштирилиб, 4 ундош ўзакли мазид феълларнинг IV боби «лом» ўзак ҳарфи билан ифодаланганлиги, бу борада аш-Шумуний ва ибн ал-Китаъ асослаб берган «إِفْعَالٌ» қолипидидаги «ҳамзали алиф» билан ифодаланиши сабаблари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Муъиззий келтирган феъл бобларининг қолипларини берилиши тартиби, улар бугунги кунда қабул қилинган феъл бобларининг таснифланиш тартибидан фарқлангани ушбу мақолада илмий асосланиб берилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abdulhamid Muhyiddin. (1995). Durus ut Tasrif. بيروت: مكتبة العصرية.
2. Abu Al-Barakot, A.-A. (2003). Al-Insof fi masail al-hilaf bayna an-nahviyyin al-kufiyyin va al-basriyyin. بيروت: دار الفكر.
3. Ad-Dahdah, A. (1992). Mu'jam qovaid al-arabiy al-a'lamiy. بيروت.
4. Al-Ashbiliy, I. U. (1996). Al-Mumti al-Kabir fi at-Tasrif. Bayrut: مكتبة لبنان ناشرون.
5. Al-Ishtirobaziyy, R. (1975). Sharhu Ashshofiyya ibn al-Hojib. بيروت: دار الكتب العلمية.
6. Al-Jayyaniy, A.-T. (1990). Sharhut Tashil liibn Molik. القاهرة: هجر للطباعة والنشر.
7. Al-Samanini, U. (1997). Sharh-ut Tasrif. مكتبة الرياض: الرشيد.

8. Az- Zamaxshariy, M. (1993). Al-Mufassal. بيروت: مكتبة الهلال.
9. Dendane, Z. (2007). An Overview of Verb Morphology in Arabic.
10. Glanville, P. J. (2018). The Lexical Semantics of the Arabic Verb. New York: Oxford university press.
11. Hasan, A. (1967). An-Nahvul Va'fi. القاهرة: دار المعارف.
12. Ibn Jinniy, U. (1954). Al-Musnaf. دار إحياء التراث القديم.
13. Ibn Jinniy, U. (2000). Kitabu sirr sinaat al-irob. بيروت: دار الكتب العلمية.
14. Ibn Jinniy, U. (2008). Al-Xasois. القاهرة: دار الحديث.
15. Ibn Yaish, Y. (2001). Sharhul Mufasssal li Az-Zamaxshariy. بيروت: دار الكتب العلمية.
16. Ислотов З. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг манбаишунослик ва матншунослик тадқиқи. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2020. – 334 б.
17. Ислотов З. “Муқаддамату-л-адаб”: грамматик рисолалар”. (2020) Монография. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 127 б.
18. Kazakbaev, A. (2021). EXPLANATION OF THE VERBS OF THE FIRST CHAPTER IN «TASRIF UL-AF'AL» BY MUHAMMAD IBN ABI ALQASIM AL-MU'AZZI. Global Humanity Congress 2nd International Multidisciplinary Scientific Conference, (pp. 162-167). Spain.
19. Kazakbaev, A. (2020). THE LATEST TERMS THAT HAVE ENTERED THE ARABIC LANGUAGE THROUGH THE PROGRESS OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. Archive of Conferences, (pp. 92-93).
20. Sibavayh, A. (1988). Al-Kitab. القاهرة: مكتبة الخانجي.
21. ал-Муъиззи, М. (1907). Тасриф ал-Афъал. Бухоро.
22. Гранде, Б. М. (1963). Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. Москва: Издательство восточной литературы.
23. Казакбаев, А. (2020). КЛАССИФИКАЦИЯ ТРУДОВ ПО ОПРЕДЕЛЕНИЮ ГЛАГОЛОВ. Archive of Conferences, (pp. 110-112).
24. Носиров, О., Юсупов, М., Мухиддинов, М., Рахматуллаев, Ю., & Нишонов, А. (2003). Ан-Наъим. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.
25. Фаттахова, А. (2011). Учебники арабского языка татарских авторов конца XIX - нач. XX вв. в книжных хранилищах Казани. Журнал Минбар (Исламские исследования), Т. 4, № 1 Б., 29 (105).
26. خليفة حاجي . (1981). كشف الظنون عن اسامي الكتب و الفنون. بيروت .
27. عبد القاهر الجرجاني. (1987). المفتاح في الصرف. بيروت: مؤسسة الرسالة.
28. محمد بن عبد الله الطائي الجيان. (1990). شرح التسهيل لابن مالك. القاهرة: دار هجر.
4. Al-Ashbily, I. U. (1996). Al-Mumti al-Kabir fi at-Tasrif. Bayrut: Maktabat Lubnan Nashirun.
5. Al-Istirobazi, R. (1975). Sharhu Ashshofiya ibn al-Hajib. Beyrut: Dar al-kutub al-ilmiya.
6. Al-Jayyaniy, A.-T. (1990). Sharhut Tashil liibn Molik. Cairo: Hijr lil-tiba'a va al-n-Nashr.
7. Al-Samanini, U. (1997). Sharh-ut Tasrif. Riyadh: Maktabat al-Rushd.
8. Az- Zamaxshariy, M. (1993). Al-Mufasssal. Beyrut: Maktabat al-Hilal.
9. Dendane, Z. (2007). An Overview of Verb Morphology in Arabic.
10. Glanville, P. J. (2018). The Lexical Semantics of the Arabic Verb. New York: Oxford university press.
11. Hasan, A. (1967). An-Nahvul Va'fi. Cairo: Dar al-Ma'arif.
12. Ibn Jinniy, U. (1954). Al-Musnaf. Dar Ihya' al-Turas al-Qadim.
13. Ibn Jinniy, U. (2000). Kitabu sirr sinaat al-irob. Beyrut. Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
14. Ibn Jinniy, U. (2008). Al-Xasois. Cairo: Dar al-Hadith.
15. Ibn Yaish, Y. (2001). Sharhul Mufasssal li Az-Zamaxshariy. Beyrut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya..
16. Islomov Z. “Muqaddamatu-l-adab” asarining manbaishunoslik va matnshunoslik tadqiqi. Monografiya. – Toshkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi. 2020. – 334 b.
17. Islomov Z. “Muqaddamatu-l-adab”: grammatik risolalar”. (2020) Monografiya. – Toshkent: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi. – 127 b.
18. Kazakbaev, A. (2021). EXPLANATION OF THE VERBS OF THE FIRST CHAPTER IN “TASRIF UL-AF'AL” BY MUHAMMAD IBN ABI ALQASIM AL-MU'AZZI. Global Humanity Congress 2nd International Multidisciplinary Scientific Conference, (pp. 162-167). Spain.
19. Kazakbaev, A. (2020). THE LATEST TERMS THAT HAVE ENTERED THE ARABIC LANGUAGE THROUGH THE PROGRESS OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. Archive of Conferences, (pp. 92-93).
20. Sibavayh, A. (1988). Al-Kitab. Cairo: Maktabat al-Xaniji.
21. al-Mu'izzi, M. (1907). Tasrif al-Af'al. Buxoro.
22. Grande, B. M. (1963). Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskoy osveshshenii. Moskva: Izdatelstvo vostochnoy literaturi.
23. Kazakbayev, A. (2020). KLASSIFIKATSIYA TRUDOV PO OPREDELENIYU GLAGOLOV. Archive of Conferences, (pp. 110-112).
24. Nosirov, O., Yusupov, M., Muhiddinov, M., Rahmatullayev, Y., & Nishonov, A. (2003). An-Na'im. Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.
25. Fattaxova, A. (2011). Uchebniki arabskogo yazika tatarskix avtorov konsa XIX - nach. XX vv. v knijnix xranilishax Kazani. Jurnal Minbar (Islamskiy issledovaniya), T. 4, № 1 B., 29 (105).
26. Haji Xalifa. (1981). Kashf al-Zunun 'an asami al-kutub va-l-funun. Beyrut
27. Al-Jurjaani A. (1987). Al-Miftah fi-s-Sarf. Beyrit. Muassasat al-risala
28. Muhammad Abdulla at-Ta'i (1190). Sarh at-Tashil li-ibn-Malik. Cairo: Dar hijr

REFERENCES:

1. Abdulhamid Muhyiddin. (1995). Durus ut Tasrif. Beyrut: Makatabat al-asriyya.
2. Abu Al-Barakot, A.-A. (2003). Al-Inosof fi masail al-hilaf bayna an-nahviyyin al-kufiyyin va al-basriyyin. Beyrut: dar al-Fikr..
3. Ad-Dahdah, A. (1992). Mu'jam qovaid al-arabiy al-a'lamiy. Beyrut.